Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг архиви

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 89 (5380).
18 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Уюшқоқликни ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан кучайтирингиз!

Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдорларча, ватанпарварлик меҳнати билан мустаҳкамлайлик!

(КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан).

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКНИ ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ШТАБИДА

Ўн еттинчи апрелда 21 апрелда Коммунистик шанбаликни ўтказиш республика штабининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республика саноат корхоналарининг «Қизил шанбалик»ни ўтказишга тайёргарлиги ҳақидаги ахборот тингланди. Шу нарса таъкидландики, шанбалик куни кўпчилик саноат корхоналари тежалган ҳом ашё ҳисобига ишлайди. Маҳсулотнинг кўпчилик турларини тайёрлаш топшириқларини ошириб бажариш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар партия комитетининг шаҳар корхоналари ва ташкилотлари Коммунистик шанбалик кунидаги ишга тайёргарлиги ҳақидаги ҳисоботи ҳам тингланди. Шу куни Ўзбекистон пойтахтининг ўн минглаб меҳнаткашлари, студентлари, ўқувчилари объектлар қурилишида ишлашга чиқадилар, станокларни бошқарадилар, ободонлаштириш ишларида иштирок этадилар.

Штаб мажлисида шанбалик қатнашчиларига савдо ва медицина хизмати кўрсатиш масалаларига катта эътибор берилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ВСИП Марказий Комитети ва Венгрия ҳукуматининг таклифига биноан 17 апрель куни Москвадан Будапештга расмий дўстлик визити билан жўнаб кетди.

● 1984 йил 17 апрель Москва вақти билан соат 13 дан 22 минут ўтганда «Прогресс-20» юк кемасининг бошқариладиган «Салют-7»—«Союз Т-11» орбитал комплекси билан автоматик туташуви амалга оширилди.

«Буюк Почин» анъаналарига садоқат

• 6. ҲАМЗА РАЙОНИ | • 7. ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Ҳамзаликларнинг катта режалари

Ф. НАЖМИТДИНОВ,
Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари.

— Ҳамза райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан нишонлашга аҳд қилдилар. Жойларда меҳнат байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича район штаби тасдиқлаган ташкилий тадбирлар амалга оширилятти. Корхона ва ташкилотлардан келаётган мажбуриятлар умумлаштирилди. Улар меҳнат коллективлари 21 апрелда юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёр эканликларидан далолат беряпти. Шанбаликнинг кўпгина қатнашчилари тежалган ҳом ашё ва материаллар билан ишлайдилар. Коллективларда улардан омилкорлик билан фойдаланиш бўйича ҳаракат кенгаймоқда.

Тошкент тепловоз депоси меҳнаткашлари 20 оғир юкли поездни тежалган ёқилғи билан манзилга етказадилар. «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари коммунистик шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлайдилар. Улар 110 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Қурилиш ташкилотлари, 21 апрелни юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлайдилар. Улар 404 минг сўмлик ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Умуман шанбаликда 160 мингдан ортиқ ҳамзалик иштирок этиши кутиляпти. Шу жумладан, саноат корхоналарида, қурилишларда, транспортда 60 мингдан ортиқ киши ишлайди.

Микрорайонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш — аҳлатдан тозалаш, биноларнинг сирти ва томларини янгилаш, йўлкаларни ва йўлларни асфальтлаш, дарахт ва буталар экиш бўйича анча ишлар қилинади. Болалар майдончалари, спорт майдончаларини тартибга келтириш лозим.

Бу ишларнинг ҳаммасини бир кунда бажариб бўлмайди. Шу боисдан шанбаликлар босқичма босқич амалга оширилади. Ҳар шанба ва якшанбада белгиланган график бўйича юзлаб кишилар ўзларига ажратилган участкаларга келиб меҳнат қиладилар. Ҳар бир турар жой идорасида, маҳаллада (улар районда 33 та) шанбалик штаби ташкил этилиб, уни ўтказиш плани тузилди.

Ҳамза райони меҳнаткашлари беш йиллик фондига 213,2 минг сўм маблағ ўтказишади.

Меҳнат байрамини идеологик таъминлашга катта аҳамият бериляпти. Ҳамза районининг барча меҳнаткашларини 21 апрелда бир ёқадан бош чиқариб шанбаликка чиқишга ва унн юксак унумли, сифатли меҳнат билан нишонлашга даъват этувчи плакатлар тайёрланди. «Коммунистик шанбалик куни тайёрланди» деган ёзувлар тайёрланди. Улар шу куни ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ёпиштирилади.

Район партия комитетининг сиёсий маориф кабинетида коммунистик шанбаликка бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди, лекторларга, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам тариқасида консультациялар бериляпти.

21 апрелда район бадиий ҳаваскорлик коллективлари кучи билан маданий тадбирларнинг катта программаси амалга оширилади.

Чилонзорликлар—«Қизил шанбалик»ка

Т. СОДИҚОВ,
Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари.

— Москва ва Тошкент шаҳарларининг илғор коллективлари ташаббусини қўллаб-қувватлаган Чилонзор райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликни юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий савияда ўтказиш тараддудини кўришмоқда.

Саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида тадбирлар белгиланган, бажариладиган ишларнинг аниқ программаси аниқланган, социалистик мусобақа ва шанбаликни идеологик таъминлаш шарт-шароитлари ўйлаб чиқилган.

Радио газеталарнинг махсус сонлари, «Чақмоқ»лар шу куни меҳнат беллашувида пешқадамлик қилган илғорлар ҳақида ҳикоя қилади. Танаффус пайтида меҳнат байрами қатнашчилари ҳузурида бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Якун чиқарилганидан сўнг тантанали вазиятда мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари, ёрлиқлар топширилади.

Меҳнат байрамида 250 дан знёд корхона, ташкилот, ўқув муассасаси—120 мингдан знёд киши иштирок этади. 8,5 минг меҳнатчи саноат корхоналаридаги, 12,7 минг қурувчи бунёд этилаётган халқ хўжалиги, турар жойлар ва соғлиқни сақлаш объектларидаги ўз иш жойларини эгаллайдилар.

Шу куни 354 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 260 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Ана шу маҳсулотларнинг 11,5 минг сўмлиги иқтисод қилинган ҳом ашё, материаллар, электр энергиясидан тайёрланади.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шанбалик куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, юз минг сўмлик нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

2-пойафзал фабрикасининг ишчилари иқтисод қилинган материаллардан 8,5 минг жуфт пойафзал тайёрлайдилар, беш йиллик фондига 5,5 минг сўм ўтказадилар.

«Электроблтприбор» заводи коллективи коммунистик шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилди. Бу ерда 30 минг сўмлик маҳсулот — 3 мингта электр ёритиш приборлари тайёрланади.

Қурувчиларнинг ҳам режалари улкан. 12,7 минг киши бевосита объектларда меҳнат қилади. Улар 505 минг сўмлик ҳажмдаги пудрат ишларини бажарадилар.

«Қизил шанбалик» кунига «Ташметрострой» трести меҳнаткашлари ҳам юксак марраларни белгилашган. Улар шу куни юбилей объектларида 56 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар.

Кўчалар, йўлкалар, майдонлар, хиёбонлар, корхона ҳамда ташкилотлар атрофидаги территорияларни ободонлаштиришга катта эътибор берилади.

Маҳалла комитетларининг активистлари ва микроучасткаларнинг раҳбарлари штабнинг сўнгги мажлисида яшаш жойларида ободонлаштириш бўйича коммунистик шанбаликни ўтказишга шай эканликларини маълум қилдилар. 16 минг туп дарахт ва буталар ўтқазилади, 65 минг метрдан зиёд сугориш тармоқлари тозаланади, бошқа кўпгина ишлар бажарилади.

Ўн биринчи беш йиллик фондига 92 минг сўм ўтказиш белгиланган.

ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАТ ЎРНИГА ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

1984 йил 15 апрель, якшанба куни 29-Большевик сайлов округи ва 47-Жуковский сайлов округи бўйича ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлови бўлиб ўтди.

26321 сайловчи овоз беришда иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар учун сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз берди.

Шундай қилиб, кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари этиб сайландилар:

29-Большевик сайлов округи бўйича — **Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна**, Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси.

47-Жуковский сайлов округи бўйича — **Мирсаидов Шукрулла Раҳматович**, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар бўйича округ сайлов комиссиялари.

ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

1984 йил 15 апрель, якшанба куни 112, 316 ва 448-сайлов округлари бўйича ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Умумий сони 7761 кишидан иборат бўлган сайловчилардан 7761 киши, яъни 100 проценти овоз беришда қатнашди.

Сайловчиларнинг 100 проценти халқ депутатлари шаҳар Совети депутатлигига номзодлар учун овоз берди.

Шундай қилиб, кўпчилик овоз билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутатлари этиб сайландилар:

112-сайлов округи бўйича— **Абдуллаев Эркин Абдуллаевич**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси бошлиғи;

316-сайлов округи бўйича — **Озолен Евгений Владимирович**, ҳарбий хизматчи;

448-сайлов округи бўйича — **Алавутдинова Васила Алавутдиновна**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўйича округ сайлов комиссиялари.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ ПРЕМЬЕРАСИ

Максим Горький номидаги рус давлат академик драма театрида таниқли грузин драматурги А. Чхаидзе асари асосида тайёрланган «Ўндан олтмиш ча» деб номланган янги спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Театр санъаткорлари замонавий мавзудаги ушбу спектаклни Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб саҳналаштирди.

Театрнинг бош режиссёри В. Гвоздков ва режиссёр М. Немировскийлар саҳнага қўйган ушбу асарда бугунги кун шаҳар ҳаётининг мураккаб муаммолари талқин этилади.





Якдиллик билан

Ўзбекистон пойтахтида ленинча коммунистик шанбаликка қизғин тараддуд кўрилмоқда. Барча тошкентликлар қатори Ҳамза районининг меҳнаткашлари ҳам ана шу меҳнат байрамига фаол тайёргарлик кўришяпти. Минглаб авиасозлар, машинасозлар, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари шу куни ўз иш жойларини эгаллайдилар, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун барча имкониятларни сафарбар этадилар.

Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмаган район меҳнаткашлари ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар, районда намунали тартиб ўрнатишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Минглаб туп гуллар, буталар, турли ниҳоллар ўтқазилади.

Район меҳнаткашлари шу куни ишлаб топилган маблағни ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказадилар.

СУРАТЛАРДА: «Ташсельмаш» заводининг энг илғор йиғувчи-слесарларидан бири коммунист А. Садов; Ҳурмат Белгиси ордени кавалери шампан винолари заводининг оператори В. Суханова; самолётсозлар маданият ва техника саройи.

ҲИССА ҚЎШАДИЛАР

Чилонзор районининг меҳнаткашлари «Қизил шанбалик» куни учун ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Шу куни ҳамма баҳорги байрам қайфияти билан ишга киришади. Иш жойларида, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётган барча территорияларда юксак меҳнат кўтаринкилиги ҳукм суради. Шанбаликни ташкил этиш бўйича район штаби, корхоналар ҳузуридаги штаблар бунинг учун барча тадбирларни мўлжаллаб қўйишган.

Юзлаб чилонзорлик-лар 21 апрель куни смена топшириқларини бир ярим-икки баравар ошириб адо этишга аҳд қилишган. Шу куни ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг маълум қисми иқтисод қилиб қолинган ҳом ашё ва материаллардан тайёрланади.



Саноат корхоналарида, микрорайонларда бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар, шанбаликнинг бориши деворий газеталарда, «Чақмоқ»ларда кенг ёритиб борилади.

СУРАТЛАРДА: электр рўзғор приборлари заводининг пешқадам йиғувчиси З. Темченко ва унинг ҳамкасб дугонаси М. Толипова; Чилонзор районининг бугунги манзараси.

Т. Каримов фотолари.



Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Авиасозлар маданият ва техника саройида Тошкент шаҳри ва пойтахт области энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган концерти бўлади. Концертдан тўпланган маблағ совет тинчлик фондига ўтказилади.

●

Республика Киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультфильмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1983 йилдаги ишлари якунига бағишланган ижодий конференция ўз ишини бошлади. Конференция ишида москвалик таниқли мультфильм усталари ҳам иштирок этишмоқда.

●

Ўзбекистон Архитекторлар союзи президиумининг навбатдаги йиғилиши республикамиз меъморлари олдида турган шу кунинг муҳим вазифаларига бағишланди. Йиғилишда республика юбилейини муносиб кутиб олишга тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

●

Октябрь районидаги 41-мактабда Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб «Табиат болалар ниғоҳи билан» байрами ўтказилди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 15 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 3—5, кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ДАВРАСИДА

Иорданияда санъатимиз намойиши

Иорданияда Ўзбекистон ССР иштирокида Совет Иттифоқи кунлари ўтказилмоқда.

Мухбирларимиз А. Пўлатов ва Э. Адайкина чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти президиуми раиси Иқболхон ТЎХТАХЎЖАЕВАдан ана шу воқеани шарҳлаб беришини сўрашди:

— Совет Иттифоқи Кунлари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақият билан ўтказилятти. Афғонистон, Монголия, Ҳиндистон, Швеция, Бельгия, Италия, АҚШ, Франция, ГФР, Япония ва бошқа мамлакатларда Совет Ўзбекистони иштирокида бундай дўстона тадбирлар ўтказилган.

Республикамиз ўз навбатида Тунис, Франция, Финляндия, Монголия, Польша, ГФР маданияти кунлари қатнашчиларини кутиб олган.

Иорданияда ўтказиладиган маданий тадбирларда қатнашадиган республикамиз вакиллари орасида Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов (делегация бошлиғи), В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети проректори Ш. С. Шаропов, шу олий ўқув юрти шарқшунослик факультети декани Т. Сатторов, шу факультет доценти, араб мамлакатлари билан маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлими правленниеси раиси ўринбосари И. М. Ҳакимов бор. Ўзбек олимлари у ерда Совет ҳокимияти йилларида Совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнаши тўғрисида араб тилида лекциялар ўқийдилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов бадиий раҳбарлигидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамбли коллективи ҳам маданият кунларида маҳоратини намойиш этади.

Иорданияга ўзбек халқ амалий санъати буюмлари, ўзбек график рассомлари асарлари кўргазмалари ҳам юборилди. Болалар расмлари кўргазмаси эса ёш авлоднинг ҳаёти, унинг билим доираси, машғулоти билан таништиради.

Тошкентда ва Москвада рус, ўзбек ва араб тилларида нашр этилган ўзбек совет ёзувчилари китоблари Ўзбекистон ҳаёти билан янада яқиндан танишиш имконини беради.

Теннис кортларида байрам

Кеча «Динамо» теннис стадионида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида Халқаро IV Тошкент турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тантанали турнирнинг очилиш маросими жуда мазмунли бўлди. Қатнашчилар ҳузурида теннис бўйича Халқаро ўсмирлар турнири ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқди. У Ўзбекистоннинг пойтахтида ўтказилаётган мусобақалар меҳмонлар ва майдон эгаларига чинакам, ҳалол курашда ғалабага эришиш, дўстликни мустаҳкамлаш имконини беради, деб ишонч билдирди.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Гимнлари садоларн остида мусобақаларнинг байроғи кўтарилди. Шундан кейин спортчиларнн оталиққа олган Тошкентдаги турли ташкилотларнинг вакиллари турнир қатнашчиларига эсдалик совғаларн ва гулдасталар тақдим этишди.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг теннис кортларида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фахрий совринлари учун теннисчилар баҳсни давом эттиришди.

ШАРТНОМА ТОПШИРИҚЛАРИ БАЖАРИЛСИН

Мажбуриятлар изидан

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Икки мусобақадош район корхоналари коллективларининг йилнинг биринчи кварталн учун белгиланган ишлаб чиқариш топшириғининг муваффақиятли адо этилган. Жумладан, Октябрь райони саноати реализация ҳажми бўйича планни 2,5 процент, Чилонзор райони 2,7 процент ортиғи билан адо этди. Уч ой мобайнида нисбатан планга қўшимча 1516 минг ва 696 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми план кўрсаткичидан 3,9 ва 4,1 процент ортиқ бўлди. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 4,9 ва 4,4 процент юксалди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича планни Октябрь райони индустрияси 104,0 процент, Чилонзор райони 104,2 процент бажарди. Меҳнат унумдорлиги суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 ва 4,4 процент юксалди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мусобақадош районларда нисбатан сўнгги йилда 2960 минг ва 2629 минг сўмликка ўсди. Бунда Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 100 процентига, Чилонзор районида 44,7 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Мебель саноати бошқармасининг тажриба-техника заводи (Октябрь райони), электр рўзғор буюмлари заводи «Ташкентгазэнергоремонт» заводи, «Ташкентхлеб» бирлашмаси (Чилонзор райони) каби корхоналарда сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми ўн процент ва ундан ортиқ ўсди.

Шу билан бирга белгиланган номенклатурада буюмлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳамма корхоналар ҳам бажардм деб бўлмайди. Булар қаторида «Маликa» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси (Октябрь райони), 2-пойафзал фабрикаси, шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (Чилонзор райони) каби корхоналар бор.

Октябрь районида «Средазэнергоцветмет» корхонаси, Чилонзор районида 2-пойафзал фабрикаси ва шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати маҳсулот таннархининг нормативдан ортиқча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Октябрь райони саноатида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 21,3 процентни, Чилонзор районида 7,3 процентни ташкил этди.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича уч ойлик план Октябрь районида 21,1 процентга, Чилонзор районида 15,1 процентга ортиғи билан адо этилди.

Бунда районларда кенг истеъмол ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,8 ва 21,9 процент юксалди.

ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ БУГУН ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ МУДИРИ А. УМАРОВ ШАРҲЛАЙДИ:

— Барқарор хўжалик-иқтисодий фаолиятга эришиш учун ишлаб чиқаришни зарур материаллар, буюмлар ва хом ашё билан мунтасил таъминлашнинг аҳамияти катта. Бу шерикларга маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишига боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала бўйича қарорида таъкидланганидек, шартнома мажбуриятларига риоя қилишда қатъий тартиб ва интизомни йўлга қўйиш хўжалик, партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномани бажариш тармоқ, ҳар бир корхона, ишлаб чиқариш коллективлари, уларнинг раҳбарлари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидандир.

Мусобақадош икки райондаги корхоналарнинг аксарият қисми буюртмачилар олдидаги мажбуриятларини муваффақиятли адо этишяпти. Бироқ, шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларидан шу нарса билиняптики, Чилонзор районида ҳам, Октябрь районида ҳам бир қатор корхоналар белгиланган мудатда ва ассортиментда маҳсулот етказиб бериш бўйича планларини бажармадилар.

Шулардан бири 2-пойафзал фабрикасидир. Бизни бу корхонадаги ишнинг аҳволи ташвишлантирди. Буюртмачилар шу йил биринчи кварталда 3,5 миллион сўмлик товар маҳсулот етказиб беришлари керак эди, аслида 1.270 минг сўмлик маҳсулот олинди. Камишин, Елец, Ставрополь кўнчилари хром ва чарм материаллар етказиб бериш бўйича топшириқларни бажара олишмаяпти. Армавирлик-лар 10 минг жуфт пойафзал учун полиуретан пошна етказиб бермади. Булар ҳаммаси ишлаб чиқарувчиларни қийин аҳволга солиб қўяди? Иккинчи томондан бу ерда сифат масаласи ҳам ҳал этилмаган.

Ҳозир корхоналарнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланяпти, ижрочиларнинг меҳнат ва технология интизоми мустаҳкамланмоқда.

Шаҳар ижроия комитетининг капитал ремонт бошқармасига қарашли ремонт-қурилиш бошқармасини зарур материаллар билан таъминлай олмаяпти. Тўғри, ҳозир комбинатга материаллар етказиб бериш бир мунча яхшиланяпти.

Бироқ, бу ерда ҳамон меҳнат интизоми паст, ускуналар эскиб қолган, кўп вақт бекор туради, шу кун талабига жавоб бермайди. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш борасида ҳам анча ишлар қилиш керак.

Ишнинг манфаатлари барча корхоналар ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни бошқаришда коллектив ролини оширишни, технология, план интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозирнинг ўзида корхоналарда бўлажак янги иқтисодий экспериментга пухта тайёргарлик кўриш керак. Бунда юксак унумли меҳнат, буюртмачилар олдидаги шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун зарур шароит яратиш энг муҳими бўлади.



Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мусобақада 5-цех коллективи мунтазам пешқадамлар сафидан ўрин олаяпти. Бу муваффақиятда цехдаги вақтдан ўзиб ишлаётган ўнлаб ишчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТДА: (юқорида) цехдаги шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган моҳир тикувчи-мотористкалардан (чапдан-ўнгга) Т. Қодирова, Д. Набиҳўжаева ва мастер Ш. Мирзажонова.

* * *

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қишлоққа кўплаб трактор ва прицеплар етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бирлашма маҳсулот етказиб бериш бўйича ойлик ва квартал топшириқларини муваффақиятли бажармоқда.

СУРАТДА: (пастда) корхонада янги конвейердан туширилган тракторлар буюртмачиларга жўнатиляпти.

М. Нуриддинов фотолари.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИШОНЧЛИ МАРКА

БУДАПЕШТ. Шу кўклам кунлари Венгрия қишлоқ хўжалик техникасини тарқатиш корхонаси «Агротек»нинг очиқ майдонида Минск «МТЗ» заводининг бўёқлари ялтираб турган тракторлар пайдо бўлди. Экин-тикинга қизғин тайёргарлик даврида Венгриянинг қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликлари 900 та шундай машина олдилар. Минск трактор заводи шу йил венгриялик буюртмачилар номига ҳар хил моделдаги жами 3 мингтадан кўп трактор юборди.

Минск заводининг тамғаси қўйилган машиналар Венгрия дала меҳнаткашларига мансур бўлмоқда. «МТЗ» тракторларига талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Венгриялик мутахассисларнинг фикрича, бу тракторлар ер ҳайдашда, шунингдек деҳқончилик юкларини ташишда кўпроқ қўл келмоқда. Шу мавсумда республиканинг хўжаликлари ўз ерларида «МТЗ—552» маркали янги тракторларни синаб кўрадилар. Янги марка аввалгисига нисбатан ёнилғини камроқ сарфлайди ва авваргиси чиқолмаган жойларга ҳам чиқа олади.

Венгрия қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасидаги социалистик иқтисодий интеграцияда актив қатнашмоқда. Бу нарса, жумладан унинг қишлоқ хўжалик машина-ускуналари айрим турларини кўплаб ишлаб чиқаришни ривожлантиришига, шунингдек мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган машина-ускуналарни кооперациядошлардан олиб туришига имкон бермоқда.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ПРАГА. Прагадаги «ЧКД— Соколово» заводининг коллективи Совет Иттифоқининг буюртмаларини муддатидан илгари 15 декабргача бажаришга қарор қилди. Шу йил совет темирйўлчилари «ЧМЭ—3» маркали 320 та маневр тепловозларини оладилар. Бу машиналар СССР темир йўлларида яхши ишламоқда. Ўлар 100 та ва ундан кўп вагонли составлар билан маневр ишларини бажармоқда. Бу тепловозларга ҳатто қирқ градусли совуқ ҳам писанд эмас. Бундан ташқари «ЧМЭ—3» ўз классидаги энг тежамли локомотивлардан биридир.

Прагалик тепловозсозлар совет буюртмачилари билан кўп йиллардан бери қалин амалий муносабатларда бўлиб келмоқдалар. Шу вақт ичида СССРга тўрт мингтадан кўп локомотив юборилди.

Корхонамизда Ленин мамлакатига меҳр-муҳаббат, совет халқига самимий дўстлик ҳистуйғулари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «ЧКД — Соколово» заводи бош инженери А. Косина. 1930 йил заводда Чехословакияда биринчи «СССР дўстлари союзи» ташкилоти тузилганлигини эслаш кифоя.

Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик —корхона перспектив тараққиётининг негизидир. Совет Иттифоқининг буюртмалари туфайли «ЧКД— Соколово» заводи Европада маневр тепловозлари ишлаб чиқарувчи энг катта завод бўлиб қолди. Ҳозир завод конструкторлик бюросида Чехословакия ва совет мутахассислари янги бир локомотивни ишлаб чиқармоқда. Бу локомотив келгуси беш йилликда СССР темирйўлчилари ихтиёрига юборила бошланади.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

АНҚАРА. Пулнинг муттасил қадрсизланиб бораётганлиги ва қимматчилик ортаётганлиги Туркия меҳнаткашларининг турмуш даражасини кескин пасайтириб юбормоқда. «Хурриёт» газетасининг маълумотларига кўра, кейинги йилнинг ўзидагина энг зарур молларнинг нархи 51 процент ошди, ваҳоланки ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи амалда аввалги даражасида қолди.

Мамлакат касаба союз конфедерацияси — «Турк-иш» Туркия меҳнаткашлари минимал иш ҳақи миқдорини анча ошириш учун курашмоқда. Акс ҳолда, деб уқтиради конфедерация, ишчилар бундан буён ҳам энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан маҳрум бўлиб қолаверадилар, ўзларининг соғлиғи ва ишқобилиятига мажбуран зиён етказа берадилар. Аммо маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, Туркия маъмурлари ва корхона эгалари мана шу адолатли талабларни қондиришдан ҳануз бош тортмоқдалар.

***

ИСЛОМОБОД. Покистон маъмурлари студентлар иттифоқларининг фаолиятини таъқиқлаб қўйишган эди. Қарочида ана шу таъқиқлашга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. «Муслим» газетасининг хабар қилишича, ёшларнинг вакиллари намойишларда иштирок этганликлари учун турмаларга ташланган барча студентлар дарҳол озод этилишини талаб қилдилар. Намойишчиларни тарқатиб юборишу учун полиция таёқларини ва кўздан ёш оқизадиган газни ишга солди.

***

АДАН. Жанубий Яманнинг Абён вилоятидаги Батнас тўғонини реконструкция қилишнинг биринчи навбати ниҳоясига етказилди. Бу ишлар Совет Иттифоқи ёрдамида амалга оширилмоқда. 1982 йилда сел оқимлари деярли батамом вайрон қилган тўғоннинг муваффақиятли равишда қайта қурилганлиги демократик Яман билан Совет Иттифоқи ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг ҳам ёрқин намуласидир, деди Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, вилоят Халқ Кенгаши Ижроия Комитетининг Раиси Муҳаммад Али Аҳмад. У қурилишда совет мутахассисларининг ишига юксак баҳо берди.



Ҳиндистонда Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий кўмагида қурилган Ранчи оғир машинасозлик заводини «Ҳиндистон Уралмаши» деб атайдилар.

СУРАТДА: корхонанинг механика цехида.

А. Чумичев фотоси (ТАСС).

* * *

Хараре. Зимбабве Миллий галереясига Ленинграддаги СССР халқлари этнографияси давлат музейи коллекцияларидан келтирилган совет кўғирчоқлари ва ўйинчоқларни виставкаси катта муваффақият билан ўтмоқда.

СУРАТДА: виставка экспонатларини айниқса болалар қизиқиб томоша қилмоқдалар.

В. Паэглис фотоси (ТАСС).



РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БОШ ҚУРГАЗМАСИДА

ТАКОМИЛЛАШГАН НОДИР УСКУНАЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида геология бўлими янги экспонатлар билан бойиди. Бу ерда Ўзбекистон нефть ва газ геологияси разведкаси институтида яратилган «Пармакавак дисператоры» намойиш этилмоқда. Бу асбоб қазиш жараёнида ишлатиладиган гилмоя қоришмаларини тез ва сифатли тайёрлашда қўлланилади. Биргина «Ўзбекнефтегазогеология» бирлашмасида бу дисперагорлар ҳар йили 130 минг сўм миқдорида иқтисодий фойда бермоқда. Бу қурилма халқ хўжалигининг бошқа тармоғида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, қурилишда кўп ишлатиладиган цемент қоришмаларини тез ва сифатли тайёрлаб беради.

Яна бир янги асбоб «Цементлаш снаряди» деб номланиб, у ер остидаги нефть ва газ қатламларини бир-биридан ажратиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганишга ёрдам беради. Битта снаряд йилига 15 минг сўм фойда келтиради.

«Традбалар клапани» асбоби эса қудуқлар қазиш вақтида баъзан бўлиб турадиган кўнгилсиз фонтанларнинг олдини олади. Агар қудуқ тагида босим ошиб нефть, газ ёки лой қоришмаларининг ер устига отилиб чиқиш хавфи туғилса, клапан қудуқни автоматик равишда ёпиб қўяди. Мазкур қурилмадан олинадиган йиллик иқтисодий самара 200—250 минг сўмни ташкил этади.

А. ҲАКИМОВ.

21 апрель—Коммунистик шанбалик

ЁШЛАР—ШАНБАЛИККА

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленинга бўлган чексиз муҳаббатини 21 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбаликда яна бир бор исботлаш учун қизғин иш олиб бораётган Куйбишев райони мактаб ўқувчиларининг иши таҳсинга лойиқдир.

Райондаги ҳамма мактабларда шанбаликда қилинадиган ишлар режаси тузиб олинди. Бу ишни қузатиб бориш учун махсус штаблар тузилган. Шанбаликда 21 мингдан зиёд ўқувчи қатнашади.

Ўқувчилар шанбалик олди ишларини қизитиб юбордилар. Ёшлар юбилей йилида районни янада кўкаламзорга айлантириб, 10 минг туп дарахт, гул, бута кўчатлари экяптилар. 140 тонна металл парчалари, 20 тонна қоғоз парчалари тўплаб беришга азму-қарор қилишди. Райондаги ариқлар тозаланяпти.

Райондаги мактаблараро ишлаб чиқариш комбинатида эса заводида бўлиб ишчи ва хизматчиларга ёрдам берадилар. Атрофда тўпланган 90 тонна чиқиндиларни машиналарга ортиб берадилар.

— Бу ибратли ишларни 71, 27, 64, 112, 121, 210, 223-мактаб коллективлари бардавқт бажармоқдалар,— дейди район халқ маорифи бўлимининг мудири Ғ. Афзалов.

С. СУЛТОНОВ.

• Истеъмол буюмларига—кенг йўл

ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА

Ярашиқли либос кийган фарзандининг севинчи ичига сиғмай «Ада, ойижон, раҳмат!» деганича тойчоқдек сакраб яйрашини тасаввур этинг-а! Бундай хушчақчақлик фаровон ҳаётимизга ажойиб чирой, шоду хуррамлик бахш этади, албатта.

Октябрь 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали жун газмол ва ип газламалардан мактаб ёшидаги болалар учун кўркам либос тикишга ихтисослашган. Корхонанинг қўли гул чеварлари чиройли либослар тикиб болаларга оламолам қувонч бахш этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бунн корхонанинг хўжалик-иқтисодий кўрсаткичларига разм солиб билиш мумкин. Бу ерда қарийб 7,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йил плани 16 декабрда адо этилди. Плиндан ташқари 330 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Хўш, эришилган бу меҳнат зафарларининг боиси нимада? Бунинг биринчи омили шу бўлдики, тикувчилар ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муддатидан олдин амалга ошириш бўйича умумхалқ социалистик мусобақасига якдиллик билан қўшилдилар. Коллектив ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этиш, янгича технологияда ишлаш, ҳамма технологик ускуналардан унумли фойдаланиш, иш жараёнида кичик механизм ва мосламаларни қўллаш, маҳсулот таннархини камайтириб, меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш борасида кўп ишлар қилди. Партия ташкилоти, мутахассислар ва омилкор мастерлар бу ишда бош-қош бўлишди. Участкалар, бригадалар ҳамда моҳир чеварлар ўртасидаги социалистик мусобақа, намуналн тартиб ва онгли интизом учун кураш авж олдирилди.

Муваффақиятларга эришишда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига ўтиб ишлаш ҳам муҳим аҳамият касб этяпти. 1983 йил январь ойида корхонанинг пар-

тия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ўнта тикув участкасидан бештасида мазкур илғор усулни жорий этдилар.

Бу бригадаларда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ишчилар бир йўла 4—5 хил операцияни ўзлаштириб олишларига алоҳида эътибор берилди. Чунки участкага бириктирилган одамлардан баъзиларн узрли сабаблар билан ишга келолмасликлари, чунончи, меҳнат отпускасига чиқишлари ёки бетоб бўлиб қолишлари мумкин. Мана шундай пайтларда иш жараёни асло издан чиқмаслиги, озчилик билан бўлса ҳам иш маромида давом этмоғи лозим.

Бригада усулига ўтган участкаларининг 1983 йилдаги дастлабки икки ойлик иш натижалари муҳокама қилинганида шу нарса аён бўлдики, бу участкаларда ишлаб чиқариш унумдорлиги 5—7 процент кўтарилди, сифатининг юқори категориясида тайёрланган буюмлар ҳажми 1,5 процентга ўсди, ойлик план эса муддатидан бир кун олдин уддаланди. Бундан ташқари чеварларнинг ойлик маош, меҳнатдаги иштироки коэффициенти ўсди. Ишда масъулият, манфаатдорлик кучайди. Шу йўсинда янги иш усулининг афзалликлари, унинг корхонага ҳам, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорларини қизғин қўллаб-қувватлаб кутиб олди, — деди биз билан суҳбатда филиал директори, Улуғ Ватан уруши ветерани Шонслом Ғуломович Ғуломов, — 1984 йил учун мажбуриятлар қабул қилганимизда ҳам мазкур Пленумлар қарорларида олдинга қўйилган вазифалардан келиб чиқдик. Жумладан, мажбуриятларимизда бу йил меҳнат унумдорлигини 3 процент ўстириш, киймм-кечаклар тайёрлашда сарфланадиган ёрдамчи материалларни 0,5 процент тежаш белгиланган. Жазъми тайёрланган маҳсулотларимиз 9,4 миллион сўмни ташкил этади. Дастлабки меҳнат ютуқларн бу мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишидан далолат беряпти. Жумладан, коллектив январь ойида планнинг бир кун олдин, февраль-март ойлари планнни эса икки кун олдин бажарди. Филиалда 70 дан зиёд чевар шу кунларда 1985 йилнинг январь—декабрь ойлари ҳисобига ишлаб, тез ва соз меҳнат қилиш намунасини кўрсатмоқдалар. Раиса Абзалова, Мухтабар Азизова, Шарофат Йўлдошева, Сайёра Сотибалдиева, Валентина Боршева ана шундай фидокор, моҳир қўлли чеварлар жумласидандир.

Мана шундай ўнлаб чеварларга таянаётган, бригада усулида ишлашнинг улкан афзалликларидан баҳраманд бўлаётган корхона коллективи ишлаб чиқаришдаги ютуқларини тобора бойитиб бораяпти.

Р. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

МАШИНАСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

«Ташсельмаш» заводидан Константин Каравнов билан Сергей Мирошников бошлиқ йиғувчи-слесарларни нг бригадалари шанбалик куни смена топшириғини 15—20 процент ошириб адо этишни мўлжаллаб қўйдилар. Бошқа цехларнинг коллективлари ҳам оширилган мажбурият қабул қилдилар. 21 апрелда завод конвейерларидан жами ўнта қудратли ОВХ-28 чанглатгич-пуркагич, 15 та ғўзапоя оладиган машина тайёр бўлиб тушади. Қишлоқ механизаторлари бир неча минг сўмлик машина-механизмларнинг запас қисмларини оладилар.

ДАРОМАДЛИ ЧИҚИНДИЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн химия институтининг олимлари рудадан рангли металлар ажратиб олишнинг янги усулини ишлаб чиқдилар ва саноат кўламида жорий этиш учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатига топширдилар. Бунда М. В. Фрунзе номли Кадамжой сурма комбинати чиқиндилардан фойдаланилади.

Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришда камёб ва қиммат турадиган натрий сульфатдан бутунлай фойдаланилмайдиган бўлди, рудадан қимматли компонентлар ажратиб олиш сифати яхшиланди. Лекин энг муҳими — чиқиндн чиқариб ташланадиган махсус жой қуриш зарурати қолмади.

(ЎзТАГ).



Абдулла ҚОДИРИЙ.

ЖАСОРАТ—АЙБ ЭМАС!

Биз жасорат сўрар эдик. Лекин... жасоратимизнинг қолган-қутганини ҳам олмоқ мудроида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тег-тугидан кесмоқчи эдилар.

Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилганда бошқа нарсалар юлиниб-юлқинган эди.

Ниҳоят: фиғон ва нолаларимиз арш-аълоларга етганда, умидимиз қуёши Октябрдан туғди. Жасорат бўғмагарларининг оёғлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тегидан келди.

Октябрдан биз бошлича жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик. Чиндан ҳам Буюк Октябрь инқилобининг ишчи ва камбағаллар синфига берган емиши жасорат эмасми эди?!

Қаранг, бугун умри рутубатлик ишхонада ўтган бир ишчи, ўлтириш-туриши, ошаш-ичиши, ёлғиз меҳнатни —кетмоннигина тасаввур этмагига мажбур бўлган бир деҳқон, бу кун бизнинг тушларимизга кирмаган фикрларни сўзлайдир, ҳайрон қолдирарлик даражада хатти-ҳаракатлар кўрсатадир, буниси кифоя қилмагандек уста дипломатларнинг етишмаган ерларини туртиб тўғрилайдир!!!

Нега бу мундоқ? Дорилфунун битирганмиз эди бу ишчи? Сиёсат билан шуғулланганмиди бу деҳқон. Ва ё социализм элчиси буюк Карл Марксдан бешўн йил дарс олганмиди бу иккиси?

Бу эҳтимолларнинг биттаси ҳам эмас: Буюк Октябрь инқилоблари уларга жасорат берди, онг берди, ҳақ берди!!! Шахсият кирлари, аксил ҳаракат ғуборларига эга бўлмаганлиги учун ҳам бу ишчи ва деҳқон ўзларини ҳеч нарсадан ҳам озод ҳис этмайдилар. Ўзларини ҳеч нарсадан ҳам озод ҳис этмаганликлари учун ҳам ўзларини ҳеч нарсадан ҳам озод ҳис этмайдилар.

ЮМУШИНГИЗ ОСОН БИТАДИ

АГАРДА СИЗ КВАРТИРАНГИЗНИ ОРАСТА ҚИЛИШГА ЖАЗМ ЭТГАН БЎЛСАНГИЗ, «ТАШПРОКАТРАЗНОВИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ХОДИМЛАРИ ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРИБ, МАШАҚҚАТИНГИЗНИ ОСОН ҚИЛИШАДИ.

УЛАР ҚУЙИДАГИ ЮМУШЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРИШАДИ:



йиғилиб қолган ахлатни (исталган қаватдан) олиб тушишади ва бартараф этишади.

прейскурантда белгиланган баҳоларга биноан хизмат ҳақи тўланади.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 «а» уй. «Сервис» марказий уйи. Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар берилади ва буюртмалар олинади: 44-28-01, 44-63-15.

девор, бўғот ва мебелларда ўрнашиб қолган чанг ва исларни тозалашади;

шкафлар ва жавонлардаги китобларни олиб, чангини артишади ва уларни жой-жойига тартиб билан териб беришади;

тошойналар, дераза ойналари, мебеллар ойналари, холодильникнинг ичи ва сиртидаги доғларни, қандиллар, осма чироқлар, браларни; ҳожат ва ванна хоналаридаги пол ва деворларни; уй хоналаридаги девор ёки эшикларни; газ плитасини; раковина, унитаз, ванна; иситиш батареяларини, мойли бўёқ суртилган полларни, линолеумларни; дераза ойналарини ва токчаларини, дераза панжарасини тозалаб, орасталаб беришади.



ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

В. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАНДИГАН

ГРУППАЛАР ОЧИЛДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИСИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ.

ГРУППАЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — 15 майдан бошланади.

ШУНИНГДЕК, ГРУППАЛАРГА УМУМИЙ ТАЪЛИМ ЎРТА МАКТАБЛАРИНИ 1984 ЙИЛДА БИТИРГАН ҲАМДА УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ЁШЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Машғулотлар — 1 июлдан бошланади.

Группаларга қабул қилинганлар 1-разряд бўйича стипендия билан таъминланадилар. Буидан ташқари ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 3 дан бир қисмини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Билим юрти ўқув-ишлаб чиқариш базасига ва юқори малакали ишчиларни тайёрлашга кафолат берадиган педагогик кадрларга эга.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ариза, характеристика.

Паспорт, ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 121 автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «Валихонов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Электромонтажчилар, электрослесарлар, автокранчилар, 1, 2, 3-классли шофёрлар, прораблар, мастерлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

Ингирувчилар, ўровчилар, тўқувчилар, ростловчилар, таровчилар, лентачилар, тўқувчилик ва йигирув ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчиларн, ремонтчи-слесарлар, электр слесарлар, раклистлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА

Секция мудирлари, катта ва кичик сотувчилар, қадоқловчилар, фаррошлар, юкчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

Инженерлар, юридик бюро бошлиғи, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш сектори мудири, инженер-технолог, товаршунос, меҳнат бўйича катта инженер, инженер нормаловчи, лаборантлар, моделчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

3-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«ГАЗ-24», «НИССА», «ЖУК», «ЕрАЗ» енгил автомашиналарининг ҳайдовчилари, автобус ҳайдаш учун **«В», «Д»** категорияли 1, 2-классли шофёрлар, автомашиналарни тузатиш бўйича слесарлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ИЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

«ОРБИТА» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«МЕЛОДИЯ» ЯНГРАЙДИ

«МЕЛОДИЯ-105» СТЕРЕО» МАГНИТОРАДИОЛАСИ — бу олти диапазондаги тўлқинда ишловчи транзисторли радиоприёмник, электропроигривателли қурилма ва кассетали магнитофонли панелдан иборат бўлган стерео комплексдир. Электропрогриватєлли қурилмаси ва магнитафонли панели бир блокка бирлаштирилган.



Магниторадиола такомиллашган. Унинг эгаси фақатгина маҳаллий ва олис масофалардан радио станцияларининг эшиттиришларини, моно ва стереофоник граммафон ёзувларини тинглабгина қолмай, балки ана шулардан ўзига манзур бўлган қизиқарли эшиттиришларни ёзиб олиши мумкин.

Аппаратурада қуйидаги имкониятлар кўзда тутилган: ультра қисқа тўлқинли диапазонда қайд этилган жадвалли созламалар; частоталарнинг созланишини автоматик ўчириб қўйиш; тембрларнинг алоҳида регуляторлари; магнитофон панелининг ҳар бир каналида ёзув даражасини созлайдиган стрелкали индикаторлар, микролифт ва ЭПУ автостопи.


Иккита суғуриб олинадиган кичик ҳажмли 6АС—502 типидаги акустика системалари овознинг етарли миқдорда кудратли бўлишини таъминлайди.

Баҳоси — 483 сўм 50 тийин.

ХОНАДОННИНГ ИККИНЧИ ТЕЛЕВИЗОРИ

уйингизда иккинчи телевизор бўлса, исталган телевизион кўрсатувларни ўз вақтида бемалол кўриш мумкин бўлади.

Экранининг размери диагонали бўйича 50 сантиметрли «РЕКОРД-В 312» — оқ-қора тасвирли телевизорларни ана шундай аппарат тарзида диққатингизга ҳавола этамиз.



Телевизор тежамли, ҳажм жиҳатдан унча катта эмас, ғоятда тиниқ ва тасвирни равшан кўрсатади.

Қандай кўрсатувларни — футбол матчими ёки телевизион спектакль премьерасини кўриш лозим? Хонадонингиздаги иккинчи «Рекорд—312» телевизори бундай муаммони осон ҳал этади.

Аппаратнинг баҳоси — 200 сўм.

«ОКЕАН—221»

Бу транзисторли «ОКЕАН» радиоприёмниклари барча мамлакатлар ва қитъаларнинг, шунингдек ер куррасининг янгиликларини, куй ва қўшиқларини тиниқ ва равшан эшиттиради!

Бу шуҳрат қозонган марканинг сўнгги моделларидан бири — «ОКЕАН—221».

Аппарат узун, ўрта, ультра қисқа тўлқинларда ва тўртта қисқа тўлқинли диапазонларда ишлайди. Ультра қисқа тўлқинли диапазонда тўртта қайд этилган жадвалли созламалар, настройка ва диапазонларнинг переключатели — электронли-кнопкалар ўрнатилган.

Махсус регуляторлар ёрдамида овознинг исталган тембрини созлаш мумкин.

Приёмникка ёзиб олиш учун магнитофон, ярим кечада эшиттиришларни бошқаларга ҳалал бермасдан тинглаш учун наушник улаш мумкин.

Озуқаланиши такомиллашган бўлиб, электр тармоғидан ёки «373» типидаги олти элементдан қувват олиб ишлайверади.

Баҳоси — 145 сўм.



«ОРБИТА» БОШҚАРМАСИ.

ТВ

Чоршанба

18 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.05 «Қадимий Кампучиянинг қайта туғилиши». Киноочерк.
18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Спорт ҳафталиги».
20.00 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги. Сибирь Давлат рус халқ хорининг чиқиши.
20.40 «Ҳужжатли экран».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР—ЧССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Халқ куйлари.
19.05 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.35—20.30 «ХХ аср салб юриши қатнашчилари». Телефильм.
20.45 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.00 «Овулим кишилари». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Я. Мамаевнинг «Қадрдон ер» романи асосида. 1-серия.
23.10 «Поэзия». А. Жаров.
23.45 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Ишга туширилаётган объектлар — сафга!» Бекобод металлургия заводида «300» прокат стани (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ оғзаки ижоди». Чори бахши.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бу гулшан соз экан». И. Исҳоқов, М. Орипов, Қ. Юсупов.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчи экрани.
18.40 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
19.30 «Биз хизмат қилаётган иш» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Болалигимиз осмони». Телевизион бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

Пайшанба

19 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ленинган ўрганамиз». 2-кўрсатув.
10.10 «Аюшка» рус халқ чолғу ансамблининг чиқиши.
10.30 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
12.10 Совет ёнғинидан сақлаш хизмати ташкил топганлигининг йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Ўт билан олишувчилар», «Ўт ўчириш воситасидан фойдалана билинг».
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар: «Бешинчи бор тақсимлаш», «...Оппоқ оққуш сузиб борарди».
16.00 Арманистон ССР халқ артисти Э. Узунян куйлайди.
16.40 «Асли болаликдан». И. Зиедонис.
17.25 «Дўстлик йўллари». СССР—ПХР. Киноочерк.
17.50 «Шахмат мактаби».
18.20 «Кузноқ нотачалар».
18.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Оқилона истеъмол маданияти ва инсоннинг маънавий қиёфаси».
20.00 «Кутилмаган совға». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Адажио ва вариациялар». Одессадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Унинг бутун умри». Телефильм.
9.55—10.15 «Объективда жониворлар. Сайғаклар». Илмий-оммабоп фильм.
12.00 «Сиз яратган боғ».
12.30—12.40 «Черемош бўйлаб пастга». Илмий-оммабоп фильм.
14.05 И. В. Гёте. Ҳаётн ва ижоди саҳифалари.
15.00 «Такрорий тўй». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 П. Богданов шеърлари. Автор ўқийди.
16.40 Илмий-оммабоп фильмлар: «Йигирма микрон бўшлиқ», «Фан ва техника».
17.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Бригадир Татаринович мактаби». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Ўсмирлар ижоди».
19.25 «Қишлоқ янгиликлари».
20.25—20.30 «Кўклам». Телефильм.
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.20 «Окадаги Пушчино». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Овулим кишилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.15 В. Маяковский шеърларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Ўқув программаси.
10.45 «Пирогов ҳақида ҳикоялар». Телефильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Дағистон баҳори». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз 80-йиллар комсомоллари».
19.20 «СССР Олий суди—60 ёшда». Узбекистон ССР Олий судининг раиси Б. А. Наврўзов сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
20.10 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» туркумидан. «Фанга бағишланган ҳаёт». СССР Олий Советининг депутати, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтининг ректори К. Аҳмедов ҳақида телеочерк (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи» (такрорий).
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.35 «Жеведа дарёси оқадиган жойда». Телефильм.
18.45 «Ким бўлсам экан?» (рус.).
19.15 Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги олдидан. «Буюк Почин анъаналари давом этмоқда».
19.45 Реклама.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Октябрь кунларида». Телефильм.
21.00 «Самарадорлик, сифат ва тежамкорлик».
21.30 МТ II

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролёрлари, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регуливровкачилари, технология ускуналарини созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумотлилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. 8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Кино

18 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ОМАД ПАЛЛАСИ» — **ка** (жуфт соатларда, ... 77-06-20).

«ИНГЛИЗ КАРАВИНГИ УЧ ГИЛЬЗА» — ... (жуфт соатларда), **Дружба** ва жуфт соатларда, ... 66-15-75), **Москва** (... ларда, телефон 33-05-...

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Восток** (жуфт соатларда, ... фон 91-14-61).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ — **Нукус** (тоқ соатларда, ... фон 46-70-69).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚДА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ — **Лисунов номли** (тоқ ... ларда, телефон 96-34-02).

«САРИҚ ГУЛ» — **30 йиллиги** (жуфт соатларда, ... телефон 33-44-52).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, ... фон 39-14-59).

«САЪВАЛАР УЧУН ... ФАС» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Қозоғистон** (тоқ ... жуфт соатларда, телефон 24-92).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

19 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ОМАД ПАЛЛАСИ» — **ка** (жуфт соатларда, ... 77-06-20).

«ИНГЛИЗ КАРАВИНГИ УЧ ГИЛЬЗА» — ... (жуфт соатларда), **Дружба** ва жуфт соатларда, ... 66-15-75).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Восток** (жуфт соатларда, ... фон 91-14-61).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ — **Нукус** (тоқ соатларда, ... фон 46-70-69).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚДА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ — **Лисунов номли** (тоқ ... ларда, телефон 96-34-02).

«САРИҚ ГУЛ» — **30 йиллиги** (жуфт соатларда, ... телефон 33-44-52).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, ... фон 39-14-59).

«САЪВАЛАР УЧУН ... ФАС» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Қозоғистон** (тоқ ... жуфт соатларда, телефон 24-92).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

Тошкент шаҳар Ленин районидаги 147-ўрта мактаб томонидан **Якшиева Гулистон Қодировна** номига берилган 921729 номерли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги муносабати билан ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область Тошкент районидаги 19-ўрта мактаб томонидан **Юнусова Мавлуда** номига берилган 425332 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ҚҚАССР Чимбой районидаги «Ленинизм» ўрта мактаб томонидан **Нурмамбетов Реимбой** номига берилган 108391 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Нукус автомобиль йўллари техникуми томонидан **Нурмамбетов Реимбой** номига берилган 558691 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Эпидемиология микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти коллективи шу институтнинг лабораторияси мудири Н. Ғуломова отаси **Ғулом МУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Эпидемиология микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти коллективи шу институтнинг лабораторияси мудири М. Аъзамовага ўғли **Дилмурод Саиджарович ЭШОНХУЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 33-... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—09201. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12